



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

№2

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2025



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 2-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

PhD, И.Ш.Эрназарова

**Техник муҳаррир:**

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба

чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида**

**тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,

Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д., профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори, DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти, DSc

**А.М.Каримова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

<b>Обид Мамаюнович Пардаев</b> Коммунал хизматларни кўрсатишда креатив ёндошув асосида синергетик самарага эришишнинг инновацион йўналишлари	87
<b>Ибодулла Хасанович Ибрагимов, Лариса Алижоновна Мусабоева</b> Подходы к исследованию мультиатрибутивных параметров на рынке образовательных услуг вузов: рекомендации и методология	92
<b>Durbek Mirzaaxmadov</b> Xizmat ko‘rsatish korxonalari raqobatbardoshligini oshirishning xorij tajribasi	96
<b>ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Дилафруз Каршиевна Усманова</b> Социальное партнерство как основа диверсификации национального туристского продукта Узбекистана	99
<b>Farida Abdusalimovna Axmedjanova, Sadoqat Murodjonava Vahobova</b> O‘zbekiston turizm xavfsizligini ta‘minlashdagi huquqiy va amaliy chora-tadbirlar tahlili	109
<b>Темурбек Бобурмирзо ўғли Саломов</b> Хизмат кўрсатиш тизимида зиёрат туризмини ўрни ва ўзига хос хусусиятлари	111
<b>Rayhona Sadriddinovna Amriddinova, Marjona Otabekovna Asliddinova</b> Navoiy viloyatida qishloq turizmini rivojlantirishda marketing strategiyalarini qo‘llash	114
<b>Зумрад Исламовна Усманова</b> Развитие сферы услуг и туристической индустрии в Узбекистане: тенденции, вызовы и перспективы	117
<b>Матлуба Абдиманабовна Куймуратова</b> Туризмнинг турлари ва улар таркибида экологик туризмнинг ўрни ва аҳамияти	121
<b>Хасан Абдусаидович Рахимов</b> Туризм ва меҳмонхона соҳаси самарадорлигини оширишда қабул қилинадиган бошқарув қарорларининг таснифи	125
<b>Askar Axrorovich Siddikov, Shukurullo Nusratullo o‘g‘li Haqqulov</b> Turizm va mehmonxona sanoatining iqtisodiy ahamiyati	128
<b>Akbarjan Sabirjanovich Madaxanov, Zaynab Sattarovna Naimova, Akmal Akbarjanovich Madaxanov</b> Ekologik va rekreatsion turizm destinatsiyalarini yaratish va ulardan foydalanishda inson omili masalalariga doir mulohazalar	132
<b>Nozima Miraxmad qizi Toirova</b> Turistik xizmatlar bozorining rivojlanish tendentsiyalari: innovatsion yondoshuvlar va ishlab chiqarish samaradorligi	137
<b>Farida Abdusalimovna Axmedjanova, Bekjon Nizom o‘g‘li Ismatullayev</b> Turizm va mehmondo‘stlik industriyasida standartlashtirish va muvofiqlikni baholash xizmatlarining takomillashtirish yo‘llari	141
<b>Rayhona Sadriddinovna Amriddinova</b> Navoiy viloyatida qishloq turizmini rivojlantirishda raqamli texnologiyalardan foydalanish	144
<b>Shaxnoza Toshpulatova</b> Tarixiy arxitektura yodgorliklarining turizm sohasini rivojlantirishdagi ahamiyati va hududlar ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga ta‘siri	147
<b>Sitora Otabekovna Xamroyeva, Rayxona Sadriddinovna Amriddinova</b> Innovatsion turizm sohasida zamonaviy marketing reklamalarining o‘rni	150
<b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ</b>	
<b>Jahongir Bakhodirovich Ergashev</b> Korxonalarda xarid faoliyatini tashkil etish va boshqarish xususiyatlari	153

**Обид Мамаюнов** – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги  
Транспорт, алоқа, туризм ва уй-жой коммунал хўжалиги  
корхоналари иқтисодиёти, молияси ва нарх сиёсати департаменти  
директорининг 1-ўринбосари, PhD.

## КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШДА КРЕАТИВ ЁНДОШУВ АСОСИДА СИНЕРГЕТИК САМАРАГА ЭРИШИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Аннотация.** Мақолада коммунал хизматларни кўрсатишда креатив ёндошув асосида синергетик самарага эришишнинг инновацион йўналишлари тадқиқ қилинган. Бунда синергетик самаранинг ҳамкорликда таъсир, тизимли таъсир, келажакнинг бугунга таъсири каби йўналишларининг мазмуни очиб берилган. Ўрганилаётган масаланинг назарий ва амалий моҳиятини очиб беришда синергетикадан фойдаланиш натижасида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган коммунал хизматларни такомиллаштириш борасида бир қанча илмий тавсиялар ишлаб чиқишга ҳам муваффақ бўлинган.

**Калит сўзлар:** коммунал хизматлар, хизмат кўрсатиш, креатив ёндошув, синергетик самара, инновация, инновацион йўналишлар, рақамлаштириш, рақамли иқтисодиёт, макон ва замон, индукция ва дедукция, тизимли таъсир, креатив фикрлаш.

**Кириш.** Мамлакат иқтисодиётининг ўсиш омиллари ХХ1 – асрга келиб тубдан янгиланди. Олдин иқтисодий ривожланиш асосан интенсив ва экстенсив омиллар эвазига содир бўлган бўлса, эндиликда янги бир қанча омиллар, хусусан, модернизация, диверсификация, инновация, рақамлаштириш, креатив ёндошув каби омиллар ҳам қўшилди. Чунки, ушбу йўл билан ривожланишни таъминлаган мамлакатгина жаҳон тараққиётида ўз ўрнига эга бўлиб, ўзининг барқарор ривожланишини, рақобатбардошлигини маълум даражада таъминламоқда. Шу жиҳатдан мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда инновацион тараққиётни таъминлаш масаласи ҳозирги пайтнинг энг муҳим устувор масалаларидан бирига айланди. Айнан ушбу вазифалар “Ўзбекистон - 2030” тараққиёт стратегиясида ҳам белгиланган. Бунда барча соҳалар қатори хизмат кўрсатиш соҳасининг барча йўналишлари ва тармоқларида самарадорликни ошириш масаласи ҳам тегишли ўринга эга.

Тадқиқотлар кўрсатдики, инновацион тараққиёт ва унинг таъсирида самарадорликни ошириш ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Буни таъминлаш учун илмий ва техникавий тараққиётга, улар асосида технологияларнинг мунтазам такомиллашиб боришига тежалган ресурслар асосида эришиш лозим бўлади. Бунинг учун мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш билан бирга ўз фаолиятига фан ва техникада содир бўлаётган янгиликларни жорий қилишга ҳам катта эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир. Айнан шу мақсадни кўзлаб мазкур мавзуда тадқиқот олиб бориш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Зеро, ҳозирги пайтда инновацион тараққиётсиз самарадорликка эришиб бўлмайди. Бунинг учун барча талабларга жавоб берадиган интеллектуал мулк ҳам шаклланган бўлишлигини тақозо қилади. Айнан масаланинг шу жиҳатлари мазкур мавзунинг долзарблигини белгилайди.

**Тадқиқот методологияси.** Мақоладаги коммунал хизматларни кўрсатишда креатив ёндошув асосида синергетик самарага эришишнинг инновацион йўналишларини тадқиқ қилиш жараёнида макон ва замон, индукция ва дедукция, шакл ва мазмун, мантикий ёндошув, тизимли таъсир каби усуллардан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасига мамлакатимиз олимлари тамонидан жуда катта эътибор қаратилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича бир қанча илмий кенгашлар фаолият кўрсатмоқда. Кўплаб диссертациялар ёқланмоқда. Мазкур соҳа самарадорлиги ва сифатини оширишнинг умумий масалалари билан биргаликда унинг алоҳида йўналишлари бўйича ҳам тегишли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Булардан бир йўналиши хизматлар соҳасида синергетик самарага бағишланган. Чунки ушбу йўналиш бошқа соҳалар сингари хизмат кўрсатиш соҳасига ҳам инновацион

ёндошувларни таъминлайди. Шу туфайли мазкур мавзу бўйича бир қанча иқтисодчи олимларимиз илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Булар жумласига С.С.Ғуломов, Аюбов Р.Х., М.Қ.Пардаев, Қ.Ж.Мирзаев, О.М.Пардаев, М.М.Мухаммедов, Б.И.Исроилов, О.М.Пардаева, Ҳ.Н.Очилова кабиларни<sup>1</sup> киритиш мумкин. Шунингдек, турли журналларда нашр қилинган мақолаларида, илмий-услубий ишларида ҳам ушбу мавзу бўйича тадқиқот натижалари нашр қилинмоқда. Бироқ, коммунал хизматларини кўрсатишда синергетик самара усулларини қўллаб яна такомиллаштиришга эришиш мамлакатимиз олимлари томонидан деярли тадқиқ қилинмаган ва мос равишда адабиётларда ҳам кам ёритилган.

Юқоридаги ҳолатни инобатга олиб, коммунал хизматларни кўрсатиш жараёнларида креатив ёндошув асосида синергетик самара ва самарадорликка эришишнинг ҳамкорликда таъсир, тизимли таъсир ва келажакнинг бугунга таъсири каби бир қанча йўналишларидан фойдаланиш йўллари асосланишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, ҳар қандай соҳада, шу жумладан коммунал хизматларни кўрсатиш жараёнларида ҳам синергетик самара ва самарадорликка эришиш учун унинг бир қанча йўналишларини қараб чиқиш лозим бўлмоқда. Бундай йўналишларга қуйидагиларни, яъни ҳамкорликда таъсир, тизимли таъсир ва келажакнинг бугунга таъсири каби йўналишларни киритиш мумкин. Буларнинг бир-бирига боғлиқлиги қуйидаги расмда келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал

**Синергетик самаранинг асосий йўналишлари<sup>2</sup>**

Т/р	Синергетик самаранинг йўналишлари	Синергетик самаранинг йўналишларининг изоҳи
1.	Ҳамкорликда таъсир	Ҳамкорликда кучлар бирлашада, бирлашган ҳолатдаги ҳар қандай ҳаракат самарали яқун топишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.
2.	Тизимли таъсир	Ҳар қандай ҳодиса ёки жараёнга бир марта таъсир қилсангиз таъсирида кам натижа бўлади. Тизимли таъсир қилинса, албатта бунда ҳам катта самарага эришиш мумкин. “Томчилардан кўл бўлади”, “Биттадан тўпланса ҳам мўл бўлади”.
3.	Келажакнинг бугунга таъсири	Аслида инсонлар бугун келажак учун ҳаракат қилиб ишлайди, яшайди. Келажакда катта олим бўлишини орзу қилган одам бугуноқ ўқишга киришади ва ҳ.к. Шу тариқа келажак бугунги кунимизнинг ҳолатига таъсир қилади.

Жадвалдаги учта йўналишнинг ҳар бири турли соҳаларда турлича таъсирга эга бўлади. Масалан, буни коммунал хизматлар мисолида изоҳлайдиган бўлсак, қуйидаги натижаларга эришиш мумкинлигини таъкидлаш жоиз:

**Биринчидан**, тегишли самарадорликка эришиш учун синергетик самаранинг **ҳамкорликда таъсир** йўналишидан (тамойилидан) фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ҳамкор-

<sup>1</sup> Ғуломов С.С., Аюпов Р.Х. Рақамли иқтисодиёт ва электрон тижорат асослари. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2020, 510 бет.; Пардаев М.Қ., Пардаева Озода, Пардаев Обид. Иқтисодиётни стратегик ривожлантиришнинг инновацион моделлари. Монография – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. – 228 бет., Пардаев М.Қ. Иқтисодиётга оид атамаларнинг таърифлари. – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. Пардаев М.Қ., Пардаев О.М. Пардаев О.М. Иқтисодиётни стратегик ривожлантиришнинг инновацион моделлари. – Т.: “fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”- 2022. – 228 бет. Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж, Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув Қўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2014. – 384 б.; Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. Монография. “Инновацион ривожланиш нашриёт матбаа уйи”, 2020. – 256 б.; М.М.Мухаммедов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.:«Фан ва технология» нашриёти 2018. Исроилов Б.И. Таълим тиизимида инновацион корпоратив ҳамкорликни ривожлантиришда иқтисодий механизмлар ролини ошириш. ТМИ, ИАК, 2016 й., 26 март.; Очилова Ҳ.Н.Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида олий таълим хизматларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. Самарқанд, СамИСИ, 2014.- 58 бет.

<sup>2</sup> Ушбу йўналишлар Олим Мамаюнович Пардаев томонидан “Маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари” монографиясида ишлаб чиқилган (Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2017. – 146 бет.).

ликда қилинган ҳар қандай ишда кучлар бирлаштирилади ва табиий равишда юқори самарага эришиш мумкин бўлади. Бу борада ҳаётда жуда кўп мисоллар ва далиллар мавжуд. Бундан кўриниб турибдики, бир соҳани ривожлантириш учун уларда мавжуд бўлган ва уларга бевосита дахлдор бўлган тарқоқ кучларни бирлаштиришга тўғри келар экан. Бу жараёнда, албатта, мураккабликлар ҳам мавжуд. Чунки ҳозирги шароитда турли мулк шаклида фаолият кўрсатаётган, турли соҳада хўжалик юритадиган субъектларни, хусусан коммунал хизматларни кўрсатувчи соҳадаги субъектларни ҳам бирлаштириш бироз мураккаб. Чунки, ҳар бирининг ўзига яраша манфаати бор. Буни мувофиқлаштириш ҳам бироз мураккаб. Шу туфайли уларнинг манфаатдорлиги таъминланган бўлиши лозим. Бу анча ташкилий тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади. Масалан, ҳозир кучларни бирлаштириш мақсадида турли соҳаларда “Кластер”ларни ташкил қилмоқда. Шу туфайли ушбу ишнинг бошида бошқарувчи органлар, хусусан маҳаллий ҳокимият туриши мақсадга мувофиқ.

**Иккинчидан**, барча соҳалар сингари хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам синергетик самарага эришиш учун **тизимли таъсирни** амалга ошириш тақозо қилинади. Чунки тимли таъсир натижасида қаттиқни юмшоқ билан енгиш мумкин. Масалан, юмшоқ сув тошнинг устига тимли равишда томизиб турилса, тошни тешиши мумкинлигига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак. Буни иқтисодиётга хос тарзда изоҳлайдиган бўлсак, шуни таъкидлаш жоизки, агар бинони қурмоқчи бўлсак, ҳар куни унга мингтадан ғишт териб борилса, маълум кунда ушбу бино баланд бўлиб битади. Пахта хирмонини ҳам мисол келтириш мумкин. Пахтанинг ҳар бир чанокдаги оғирлиги 5-10 граммни ташкил қилади. Уни териш жараёнида тимли равишда аста-секинлик билан грамлаб териш натижасида миллион тонналаб хирмон ҳосил бўлади. Худди шундай ҳолатга қадимий мақолларимиздан бири: “Тома-тома кўл бўлур, томмай қолса чўл бўлур”, деган мисолни ҳам келтиришимиз мумкин. Кўриниб турибдики, тимли таъсир натижасида кичик натижаларнинг жамланиши билан катта муваффақиятга эришиш мумкин экан. Буни бевосита маҳсулотларни сақлаш, совутиш ва сотиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш жараёнида ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, маҳсулотни ташиш хизматларини кўрсатишда тавсия қилинган “совуқ занжир” усулини оладиган бўлсак, маҳсулотни тайёрлашдан сақлаш ва сотишга қадарги босқичларнинг ҳаммасида совутгич бўлиши лозим<sup>1</sup>. Бунда ташиш жараёнида автомобиллар ва бошқа транспорт воситалари ҳам совутгичлар билан жиҳозланиши керак бўлади. У ҳолда маҳсулотнинг нобуд бўлиши минимал даражага тушади ва у катта синергетик самара беради. Коммунал хизматларга келадиган бўлса, бинони истиш жараёнини қиш давомида бир хил ҳароратда қиздирилоиб турилса, уйда мутадил ҳарорат сақланиб туради. Бу яшаш учун анча қулайликни туғдиради.

**Учинчидан**, синергетик самаранинг яна бир йўналиши **келажакнинг бугунга таъсир** қилиш тамойили бўлиб ҳисобланади. Буни оила ҳаётига қиёс қиладиган бўлсак, ота-она боласининг саводхон бўлиб ўқишлигини, келажакда билимдон бола бўлиб етишишини орзу қилади. Бунга эришиш учун эса, унинг ўқишига тегишли шароитларни яратишга ҳаракат қилади, ўргатувчи (репетитор) ёллади. Бизнинг мамлакатимизда асосий таълим бепул. Аммо ўз фарзандининг келажакини ўйлаган ота-она пул тўлаб, қўшимча дарсларга иштирок этишини таъминлашга ҳаракат қилади. Кўриниб турибдики, келажак бугунга таъсир қилмоқда. Агар буни бевосита иқтисодиётга қўллайдиган бўлсак, тадбиркорнинг мақсади ўз фаолияти натижасида, харажатлар қилиш эвазига келажакда катта фойда олиш, сифатли хизмат кўрсатиш, бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш орқали баланд обрўга, шу билан бирга катта фойдага эришишга қаратилган бўлади. Бунга эришиш мақсадида тадбиркор биз тадқиқ қиладиган маҳсулотни сақлайдиган омборлар ва совутгичларни ҳам мавсумга шай қилиб қўйиш учун барча биноларни, ускуна ва жиҳозларни олдиндан таъмирлаб, уларни шай ҳолатга келтиради. Кўриниб турибдики, келажак бугунги фаолиятга таъсир қилмоқда. Коммунал хизматларнинг иссиқлик тимли

<sup>1</sup> Пардаев О.М. Маҳсулотларни сақлаб сотиш хизматлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. Монография. – Т.: “Fan va technologialar” нашриёти, 2017. – 147 бет.

оладиган бўлсак, қишда барқарор ишлашни таъминлаш учун, айти ёз пайтида тегишли таъмирлаш ишларини амалга ошириб боради ва ҳ.к.

Юқоридаги келтирилган учта тушунчаларнинг таърифидан ва уларга берилган изоҳлардан кўриниб турибдики, синергетик самарага эришиш учун хўжалик юритувчи субъектларнинг бозор муносабатлари шароитидаги индивидуализм тамойилига асосланган ҳаракати ва ҳар бирининг якка тартибда рақобат майдонида намоён бўлишига барҳам бериш лозимлигини тақозо қилади. Бу ҳолат бозор муносабатлари тамойилларига бошқачароқ, ўзимизга хос тарзда ёндашиш заруратини туғдиради. Бу борада тегишли ташкилий-ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш ва улардан амалиётда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ишни мувофиқлаштириш масаласини ҳозирги пайтларда тажриба тариқасида маҳаллий ҳокимиятлар амалга ошириши мақсадга мувофиқ. Агар у ҳақиқий синергетик самара берса, уни мамлакат миқёсида жорий қилишга тўғри келади, деб ҳисоблаймиз.

Барча соҳаларда ҳамкорлик катта муваффақиятларга эришиш калити эканлиги бизнинг миллатимиз учун асл қадрият. Масалан, бизда бирорта ишни тез ва соз битириш учун қадимдан “ҳашар” деган тадбирга амал қилиб келинган. Бу айнан бирор-бир мақсадга эришиш, бирорта ишни бажариш учун турли кучларни бирлаштириш ва ҳамкорлик қилиш намунасидир. Демак, бизнинг ҳашаримизни англатадиган замонавий халқаро ибора синергетик усул, яъни ҳамкорлик усули эканлигига гувоҳ бўламиз.

Бизнинг иқтисодиётимиз ҳам жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашган ҳолда ривожланмоқда ва бундай бўлиши тайин. Бу ҳолат маълум даражада иқтисодиётимизда рақобат муҳитининг шаклланишини ва рақобатчилар ўртасида рақобатчиликнинг мавжудлигини тақозо қилади. Бу эса ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш заруратини вужудга келтиради. Аммо бизнинг иқтисодиётимизда кескин рақобатнинг сақланиб қолиши билан биргаликда ҳамкорлик ҳам муттасил ривожланиб боравериши лозим. Зеро, бу жараён ҳозирги замон тили билан айтганда юқори “синергетик самара”га, сўнгра “синергетик самарадорлик”ка эришишнинг асосий йўлларидадан бирига айланади.

Булардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, “синергетика” сўзини ўзимизга мос равишда, унга мазмуни жиҳатидан қарайдиган бўлсак, “ҳамкорлик” деб аташ мумкин. Ҳамкорликнинг ҳозирги мавжуд шакллари: турли уюшмалар, кооперациялар, бирлашмалар, ассоциациялар каби шаклларда намоён бўлмоқда. Бирорта самарага эришишда, бирорта ишни тез ва соз бажаришда кучларни бирлаштиришнинг бир марталик жараёни бизда қадимдан, юқорида таъкидланганидек, ҳашар шаклида қўлланилиб келинган. Бу ҳозир ҳам сақланиб қолинмоқда. Бундай ишлар қадриятларимизнинг тикланишида ҳам катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтганда, масаланинг назарий ва амалий моҳиятини очиб беришда синергетикадан фойдаланиш бизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг ажралмас қисми сифатида ҳамиша жуда кўп соҳалар ва тармоқларда қўлланилиб келинган ва ҳозир ҳам ундан самарали фойдаланилмоқда. Келажакда ҳам жуда кўп соҳаларда самарадорликка эришишда ва рақобатбардошликни мустаҳкамлашда синергетик самарага асосий йўналишлардан бири бўлиб қолади. Чунки, олдин қайси соҳада бўлмасин нима қадрият бўлган бўлса, бугун улар босқичма-босқич тикланмоқда, сақланиб қолганлари эса замонавий талабларга мослашган ҳолда такомиллашмоқда. Тадқиқотларимиздан кўриниб турибдики, келажакда ҳам у ҳаётимизнинг таркибий қисми сифатида авлодларимизнинг ҳаётий тарзидан кенг ўрин олиши табиий. Шу туфайли ҳар қандай янги тушунчалар, усуллар ва дастакларни тадқиқ қилганда, албатта, ўзимизнинг ўтмишимизга, ота-боболаримизнинг хўжалик юритиш шаклига мурожаат қилиш, улар қўллаган усулларни ўрганиш лозим бўлмоқда. Чунки, ҳар қандай янгилик, асл моҳиятига қараладиган бўлса, унутилган ўтмишдир. Бундай ақидага амал қилиш ҳам биз учун қадриятдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бир қанча илмий тавсиялар ишлаб чиқишга ҳам муваффақ бўлдик.

**Биринчидан**, хизмат кўрсатиш соҳасини, хусусан, коммунал хизматлар самарадорлигини оширишда синергетиканинг кучларни бирлаштиришдаги йўналиши бўйича давлатнинг, коммунал хизматлар билан шуғулланувчи субъектларнинг, аҳоли ва бошқа дахлдор соҳаларнинг ҳамкорликда таъсири тамойилидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Агар буларнинг ҳамкорлиги таъминланадиган бўлса, аҳолининг коммунал хизматларга бўлган талабини ушбу кучлар бирлашган ҳолда ҳал қилади ва давлат ҳам ушбу соҳа бўйича стратегиясини амалга оширишда қуйидаги субъектлар ҳам жонбозлик кўрсатиб фаолият кўрсатади. Натижада ўзаро ҳамкорлик тамойилига амал қилган ҳолда юқори самарадорликка эришиб боради.

**Иккинчидан**, соҳа самарадорлигига эришишда тизимли таъсир ҳам муҳим аҳамиятга эгаллигини инобатга олиб, коммунал хизмаатлар билан шуғулланувчи субъектларнинг соҳага эътиборини кучайтирган ҳолда, уни тизимли равишда такомиллаштириб бориш кўникмасини ҳосил қилган ҳолда узлуксиз равишда камчиликларни бартараф қилиб боришлари лозим. Натижада коммунал хизматлар такомиллашиб бориши билан бирга, аҳолининг ушбу хизматлар билан қамраб олиш даражаси ҳам ошиб боради. Бу эса ўз навбатида аҳоли фаровонлигининг ва яшаш сифатининг ошиб боришига хизмат қилади.

**Учинчидан**, таъкидланганидек, келажакнинг бугунга таъсири ҳам коммунал хизматларни кўрсатувчи субъектларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқиб, буни иккита йўналишда амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Биринчи йўналиш, аҳолининг, аксарият ҳолларда қишлоқ аҳолисининг коммунал хизматлар билан қамровини оширишга қаратилган стратегик йўналиш бўлса, иккинчидан мавжудларини, яъни асосан шаҳар аҳолисини келажакда такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқдир. Шу йўл билан соҳанинг кенг кўламли ривожланишига эришилади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу тавсияларимизнинг амалиётга жорий қилиниши мамлакатимизда амалга оширилаётган “Ўзбекистон - 2030” стратегиясининг амалга оширилишига, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига, аҳоли фаровонлигининг яхшиланишига хизмат қилади.

<p style="text-align: right;"><b>О.Пардаев</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Инновационные направления достижения синергетической эффективности на основе креативного подхода в предоставлении коммунальных услуг</b></p> <p><b>Аннотация.</b> В статье исследуются инновационные пути достижения синергетического эффекта на основе креативного подхода в предоставлении коммунальных услуг. В ней раскрывается значение понятий таких направлений синергетического эффекта, как кооперативный эффект, системный эффект, влияние будущего на настоящее. В результате использования синергетики при раскрытии теоретической и практической сущности изучаемой проблемы удалось разработать ряд научных рекомендаций по совершенствованию коммунального хозяйства, являющегося неотъемлемой частью нашей социально-экономической жизни.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> коммунальные услуги, предоставление услуг, креативный подход, синергетический эффект, инновации, инновационные направления, цифровизация, цифровая экономика, пространство и время, индукция и дедукция, системный эффект, креативное мышление.</p>	<p style="text-align: right;"><b>O.Pardaev</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Innovative directions to achieving synergetic efficiency based on a creative approach to providing utilities</b></p> <p><b>Abstract.</b> The article examines innovative ways to achieve a synergistic effect based on a creative approach to providing utilities. It reveals the meaning of the such types of synergistic effect, as the cooperative effect, the system effect, the influence of the future on the present. As a result of using synergetics in revealing the theoretical and practical essence of the problem under study, it was possible to develop a number of scientific recommendations for improving the utilities sector, which is an integral part of our socio-economic life.</p> <p><b>Keywords:</b> utilities, service provision, creative approach, synergistic effect, innovations, innovative directions, digitalization, digital economy, space and time, induction and deduction, system effect, creative thinking.</p>
--	--

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

19.05.2025 йилда теришга берилди. 06.06.2025 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0036А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.